O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Умидим — ёшлар»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Академия» нашриёти янги йил арафасида Соғлом авлод йилига бағишланган «Умидим — ёшлар» деб номланган мўъжаз китобчани чоп этди. Ушбу китобчадан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ёшлар ҳақидаги, уларнинг тарбияси, буюк келажакни яратишдаги масъулияти, вазифалари хусусидаги фикрлари ўрин олган. Бу фикрлар миллат шукуҳи бўлган соғлом авлод тарбиясига масъул каттаю кичик учун муҳим йўлланма бўлиб хизмат қилади. Китобча ёш авлод ҳаётига оид рангли фотосуратлар билан безатилган.

(ЎзА)

100 минг бола кутуси

Қувонч-шодлик ила Янги йилни қарши олдик. Бунга атаб болалар кўнглига мос байрамлар уюштирилди. Болалар орзу-истаклари жамланган кечалар ҳали ҳам тўхтагани йўқ. Пойтахтдаги цирк кошонасида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалар кенгашлари билан ҳамкорликда 24 декабрдан бошланган байрам 9 январгача давом этиши кутилмоқда.

— 16 кун давом этадиган цирк усталарининг чиқишларини тахминан 100 минг бола тамоша қилади, — деди цирк директори ўринбосари Раҳматулла Шерматов. — Кам таъминланган хонадон фарзандларига, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлардан 5 минг болага бепул хизмат кўрсатилади. Ушбу томошада хизмат қилаётган 100 га яқин цирк артистлари болажонларимиз олқишига сазовар бўлишмоқда.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Қизалоққа «Тико»

2000 йилда дунёга келган биринчи инсон барчани қизиқтирса керак. Наманган вилояти Наманган тумани Хонобод қишлоғида истиқомат қилувчи Соҳиба Сотболдиеванинг қизалоғи шундай бахтга муяссар бўлди.

Наманган вилояти хокимининг фармойиши билан Дилшод Акбаров ва Соҳиба Сотболдиева оиласида дунёга келган жажжи қизалоққа «Тико» автомашинаси совға қилинди.

Бир сўз билан айтганда хонадонга жажжи гўдакнинг илк қадами қутлуғ келди.

Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО

Янги шифо маскани

Ҳар бир байрамни қўшалоқ қилиб кутиб олиш ҳалқимиз учун одатий анъанага айланиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак тумани Бўзатов овули аҳолиси ҳам янги йилни қўшалоқ қувонч билан кутиб олди. Бу ерда Соғлом авлод йилига монанд равишда хориждан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Ушбу замонавий шифохонани қуришда «Оролсувқурилиш» бирлашмаси хизматчилари жонбозлик кўрсатишди. Эндиликда овул аҳолиси малакали тиббий хизматлардан баҳраманд бўладилар.

(Ўз мухбиримиз)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

2000 йил 6 январь, пайшанба • № 3 (25.553).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МАҚСАД – ХАЛҚНИНГ БАХТ-САОДАТИ!

Абдулҳафиз Жалоловнинг сайловолди учрашуви

4 январь куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Жалоловнинг Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Умар Муслимов очди.

Ўзбекистон Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов йиғилганларни унинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Сўз Абдулҳафиз Жалоловга берилади. У ўз сўзининг бошида Тошкент вилоятининг мамлакатда тутган ўрни ва улкан иқтисодий салоҳияти борлигини таъкидлаб, шундай деди:

— Мамлакатимизда бозор муносабатлари ўзанларида янгидан вужудга келаётган иқтисодиётни вилоятда жойлашган тоғ-кон, металлургия, кимё, машинасозлик, қурилиш ашёлари, электр қуввати ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарининг, шу жумладан, юзлаб қўшма ҳамда хусусий корхоналарнинг салмоқли улушисиз тасаввур этиш қийин. Бу ерда кўплаб пахта, дон, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ватанимиз илм-фани ва маданиятининг ривожланишида ҳам вилоятнинг муҳим ўрни бор.

Нотиқ ўз сўзида ушбу учрашувнинг бўлажак муҳим сиёсий воқеа — 2000 йилнинг 9 январига тайинланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан бевосита боғлиқ эканлигини эслатиб, Ўзбекистон кейинги йилларда босиб ўтган йўлнинг асосий натижалари Ватанимизнинг миллий мустақиллигига асос солган, унинг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг номи ва жўшқин фаолияти билан боғлиқ эканлигини алоҳида уқтириб ўтди. Шундан сўнг у партия III Қурултойининг республика Президенти сайловида муқобил номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб берди. Бундан кўзланаётган мақсад — И. А. Каримов сиёсатига қарши чиқиш эмас, балки, демократия ишига ҳисса қўшиш, деб таъкидлади номзод.

Ўзбекистон ХДП дастурий мўлжалларига таянган менинг дастурим, — давом этди номзод ўз сўзида, — аввалambор, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда ҳар бир фуқарога инсон учун муносиб яшаш шароитлари ва фаровонликни таъминлай оладиган барқарор бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамиятни барпо этиш, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги илғор давлатлар ўртасида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдир. Шундан сўнг, у, ушбу стратегик мақсадларга эришиш учун қандай устувор сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий вазифаларни амалга ошириш лозимлиги масаласига тўхталиб ўтди.

Сиёсий соҳадаги асосий йўналиш, бу — демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдир. Фақатгина демократик ривожланиш жараёнида ижтимоий ўзгаришлар ва ислоҳотлар, инсон ва халқ — олий, энг бебаҳо бойлиги бўлган давлат ва жамиятнинг бутун ҳаётий фаолиятини таъминлаш мумкин.

Албатта, сиёсий демократия ривожи ўз-ўзидан мамлакат олдида турган барча вазифалар мажмуини ҳал этмайди. Яъни, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бозорни тўлдириш, кишилар фаровонлигининг ўсиши масалаларини фақат сиёсий фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, янги сиёсий партияларни ташкил этиш йўли билан ҳал этиб бўлмайди. Лекин, демократиянинг қарор топиши аҳоли турли гуруҳлари ва ижтимоий табақалари манфаатлари мувозанатини сақлаб турувчи мурватларнинг шаклланиши ҳамда уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлайди. **Иқтисодиёт соҳасидаги** вазифалардан энг муҳими, бу — ундаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш масалаларидир. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган Тошкент вилоятига назар солганда, қуйидагилар, — деди Абдулҳафиз Жалолов, — минтақа ривожида устувор йўналишлар бўлиши лозим:

— мавжуд иқтисодий салоҳият, айниқса, металлургия, кимё, енгил, электротехника саноати, машинасозлик, энергетика ва бошқаларда самарадорликни, яъни, биринчи навбатда, ҳаракатдаги корхоналарни қайта жиҳозлаш, таъмирлаш, қувватини ошириш бўйича, тезкорлик билан чоралар кўриш, ҳозирги замон техникаси, технологиялари ва "ноу - хау"ларни кенг жорий этиш асосида улар чиқарадиган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш чораларини кўриш;

(Давоми 2-бетда)

Янги билим даргоҳи

Сурхондарё вилоятида ҳозирги кунга келиб 7 та коллеж ва иккита академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Ана шундай янги билим даргоҳларидан бири Термиз шаҳридаги савдо техникуми базасида қайта қурилиб, шу йилнинг 1 сентябридан ишга туширилган касб-ҳунар коллежидир. Ҳозир мазкур коллежда сотувчилик, умумий овқатланиш корхонасининг кичик технология, телерадио аппаратларини тузатиш устаси, ҳисобчилиқ, солиқ ва солиққа тортиш, ҳуқуқшунос-иқтисодчи каби олти йўналиш бўйича 175 ўқувчи таълим олмоқда.

Коллежда 22 та ўқув хонаси бўлиб ҳаммаси Жанубий Кореядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек коллеж қошида узоқдан келадиган талабалар учун 75 ўринли ётоқхона ҳам мавжуд. Бундан ташқари ёшларнинг соғлом ва бақувват ўсишлари учун қишки ва ёзги спорт комплекслари ишлаб турибди. 30 ўринли кутубхонада ўқувчилар маънавий маърифий билимларини оширмоқдалар. Айни пайтда, коллеж ёшларига малакали ўқитувчилар билим беряпти. Келгуси ўқув йилида коллежга 540 ўқувчи қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

Ёшларимизнинг маънавий баркамол бўлиб етишишида республикамизда замонавий типдаги янги билим даргоҳларининг яна биттага ортиши қувонарли ҳолдир.

Суратларда: Машғулотлар пайти.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар

ЛЮК ДУХАМЕЛЬ, КАНАДА:

ХОРИЖДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Ўзбекистон олий ўқув юртларининг хориждаги олий таълим муассасалари билан алоқалари йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда талаба ва ўқитувчиларимизнинг хорижда тахсил олиши ёки малака ошириши одатий ҳолга айланган. Чет эллик илм-фан намояндаларининг юртимизга қизиқиши ҳам тобора ортиб бормоқда. Улардан бири — шу кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Канададаги Монреал университети профессори Люк ДУХАМЕЛЬ ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди.

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Бу юртнинг бой тарихи, Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива каби қадимий шаҳарлари ҳақида кўп эшитганман. Мамлакатингиздаги ўзгаришлар, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ҳақида ҳам Канада оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълумот олиб тураман. Эндигина мустақилликни қўлга киритиб, эркин ва демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон билан танишиш хорижликлар учун ҳам қизиқарлидир. Чунки, минтақавий нотинчликлар, хусусан, қўшни Афғонистонда узоқ йиллардан буён давом этаётган фуқаролар урушига қарамай, юрт осудалигини сақлаш, шу билан бирга, барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар ўтказиш осон эмас. Қувончлиси шуки, мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бундай хайрли ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонга келишимдан асосий мақсад бу юрт халқи, урф-одати ва бугунги ҳаёти билан яқиндан танишишдан иборатдир. Айниқса, мамлакатингиз талабалари ҳаёти, уларнинг таълим олиши учун яратилган имкониятлар мени жуда ҳам қизиқтиради. Шу мақсадда, бир неча олий ўқув юртларига боришни, талаба ва мураббийлар билан учрашишни режалаштирганман. Ўзбекистон билан Канада олий ўқув юртлари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш икки давлат учун ҳам муҳимдир. Бундай алоқалар мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, канадалик талаба ва ўқитувчилар гуруҳининг Ўзбекистонга ташрифини уюштириш ва унга бош-қош бўлиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Мамлакатингизда 9 январь куни Президент сайлови бўлиб ўтади. Ҳозир бўлажак тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилаётгани ва уни кузатиш учун хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан кўплаб кузатувчилар ташриф буюраётганидан хабарим бор. Бу мазкур сайловга хорижда ҳам қизиқиш катта эканлигидан далолат. Албатта, Президент сайловининг демократик меъёрлар асосида ўтиши жуда муҳимдир. Чунки демократия сайловнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Айниқса, унда сайловчиларнинг фаол иштирок этиши ва ўзининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ишончли номзод учун овоз бериши аҳамиятлидир. Мен Ўзбекистонда Президент сайлови ана шундай руҳда ўтади, деган умиддаман.

Мен ҳам бу сайловда холис кузатувчи сифатида иштирок этаман. Айни пайтда бўлажак тадбирда фақат кузатувчилик билангина чекланиб қолиш ниятим йўқ. Ватанимга қайтгач, Ўзбекистонда ўтказилган Президент сайлови, умуман, бу ерда сайловлар жараёни ва фуқароларнинг иштироки, қисқаси, мамлакатингиз ижтимоий ҳаётида бугунги кунда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида талабаларга туркум маърузалар ўқишни режалаштирганман.

ЎзА мухбири Равшан МАҲМУДОВ суҳбатлашди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Гўшт можароси

Люксембургда жойлашган Европа суди Буюк Британиядан мол гўштини сотиб олишдан бош тортаётган Франция нисбатан суд жараёнини бошлашини эълон қилди. Жиноий иш Европа Иттифоқининг ижро органи — Европа Комиссияси ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

Ўз қизини зўрлаб...

Филиппинда навбатдаги ўлим жазоси ижро этилди. Жиноятчи ўз қизини зўрлаганликда айбланганди.

Маниладан олинган хабарга қараганда, 1994 йилдан буён мамлакатда ҳисоб бўйича олий жазо еттинчи марта ижро этилди.

Маълум бўлишича, 1987 йилда қабул қилинган Филиппин конституциясида олий жазо бекор қилинган. Бироқ, сўнгги йилларда мамлакатда оғир жиноятчилик авж олиши натижасида яна ўлим жазоси жорий этилди.

Айни пайтда Филиппин қамоқхоналарининг ўлим камераларида 900 нафар жиноятчи сақланмоқда.

Қароргоҳ яқинида портлаш

Шри-Ланкада яна бир террорчилик ҳаракати уюштирилди. Чоршанба куни эрталаб мамлакат Бош вазири қароргоҳи яқинида кучли портлаш юз берди. Дастлабки маълумотларга қараганда, портлаш оқибатида камида беш нафар соқчи ҳалок бўлган, 16 киши жароҳатланган.

Савдо марказида ёнғин

Москванинг Пушечная кўчасида жойлашган савдо марказида катта ёнғин содир бўлди. Ёнғинга қарши кураш давлат бошқармасидан хабар қилинишича, фалокат бошланганига беш-олти соат бўлса-да, ўт ўчирувчилар ҳамон бино ичига кира олгани йўқ. Улар оташ билан ташқаридан туриб курашмоқда.

Иқтисодий ўсиш кузатилмоқда

Бу йил Германия иқтисодиётида сезиларли юксалиш кузатилади. Мамлакатдаги иқтисодиётни таҳлил қилиш институти олимларининг таъкидлашича, бу йил ГФР ялпи ички маҳсулоти 2,4 фоизга ошади.

Олимлар бу юксалиш ҳукуматнинг сўнгги пайтларда ўтказаётган ислоҳотлари ва давлат маблағидан тежамкорлик билан фойдаланиш учун қўллаётган чора-тадбирлари натижасидир, демоқда.

(ЎзА)

Ўзбекистон — Япония:

илмий алоқалар

Сайёрамизнинг кунчиқар мамлакати бўлмиш Япония асримизнинг охирига келиб иқтисодий ривожланган, индустриал давлат сифатида халқаро ҳаётда ўзига хос мавқега эга бўлди. Японияннинг Ўзбекистон билан олиб бораётган ҳамкорлик алоқалари республика ташқи алоқалар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Икки давлат алоқалари нафақат XX аср сўнгида, балки қадимдан «Буюк ипак йўли» орқали ривожланиб келган ва айтишимиз мумкинки юртимизда озодлик шабодаси эсган даврдан бошлаб катта бурилиш даврига қадам қўйди. Ўтган 8 йил ичида Япония юртимиз иқтисодиётининг оғир ва енгил саноати, машинасозлик, коммуникация каби соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

Илм-фан соҳасидаги эришилаётган ютуқлар катта аҳамиятга молик. Собиқ иттифоқда мавжуд бўлган кўп қийинчиликларга қарамасдан ўзбек-япон олимлари 1989 йилда биринчи шартномага имзо чекишди. Шартномага мувофиқ Японияннинг Токио шаҳридаги Сока университети ва Марказий Осиёда ягона Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг «Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси» бўлими мутахассислари олти йилга мўлжалланган илмий алоқаларни бошлашди. Бўлим мудири Б. Турғунов саъйи-ҳаракатлари натижасида 1989 йилнинг ўзидаёқ Като Кюдзо бошчилигида япон олимлари илмий сафар билан келишди. Мақсад Будда ёдгорликларида қазиш ишларини олиб бориш ва ўрганишдан иборат эди. Хитой ва Япон манбаларидаги маълумотларга қараганда Ўзбекистонда 10 та Будда ибодатхонаси бўлган. Бу ҳақда 630 йилда Термизда бўлган сайёҳ Сюан Узан ўз асарларида баён этиб ўтган. Олиб борилган ишлар натижасида кўплаб ёдгорликлар очилди, хусусан Айритом, Қоратегин, Фаёзтепа, Далварзинтепа ва бошқа ёдгорликлар. Ўзбек-япон олимлари ҳамкорлик ишларининг асосий объекти — Далварзинтепа бўлиб, у ерда иккита будда ҳайкали топилди. Топилган ашёлар жаҳоннинг йирик, нуфузли кўргазмаларида — Япония, Швейцария, Франция ва Германияда намойиш қилинди. 6 та ҳайкал эса шу кунларда Японияннинг Нара, Ямагучи ва Токио шаҳарларида «Буюк ипак йўли» кўргазмасида Марказий Осиёдан ягона экспонатлар сифатида намойиш қилинмоқда. Ўзбекистон-Япония илмий ҳамкорлигининг натижаси ўлароқ 1991 йили Японияда инглиз, япон ва рус тилларида ва 1996 йилда япон ва ўзбек тилларида каталоглар ва қазишмалар натижаси нашр этилди. Бу китоблар сўнгги илмий изланишларни қамраб олиб, чиройли рангли суратлар билан безатилган.

Япон олимларининг Ўзбекистонга қизиқиши бежиз эмас, албатта. Улар Ўзбекистонни қадимий маданият, илм-фан ўчоғи сифатида тан олишади.

Йиғилган илмий изланишлар натижаларини ҳисобга олиб, улар Японияга Будда дини Ўзбекистон орқали ўтганига амин бўлишди. Мана, 10 йилдирки, японияслик олим Като Кюдзо ҳамкорликнинг асосий ташкилотчиси сифатида иштирок этмоқда. Шу йиллар давомида кўплаб япон мутахассислари Ўзбекистонда илмий экспедицияда бўлишди.

Бўлим қошида экспедиция мобайнида топилган ашёлардан иборат музей ташкил қилинди. Ҳозирги кунда музейда нодир ашёлар сақланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай ашёлар йил сайин ошиб бормоқда. Ўтган йилнинг август ва сентябрь ойларида 13 япон ва ўзбек мутахассиси Далварзинтепа ёдгорлигида навбатдаги қазув ишларини олиб боришди ва Далварзинтепа подшо саройи ўрнидаги биноларининг милоддан аввалги II асрдан то илк ўрта асрларга оид қатламлари ва ашёвий далиллари топилди.

Топилган манбалар асосида ўзбек миллий маданиятининг жаҳон кўргазмаларидаги намойиши ташкил этилди. Ўзбек олимларининг неча асрлардан буён тупроқ остида ётган бой маданий меросимизни юзага чиқариш борасидаги ҳамкорлигининг келажаги порлоқдир.

Шукур МИРЗАЕВ

«Ўзбекистон овози»га обуна давом этмоқда

МАҚСАД — ХАЛҚНИНГ БАХТ-САОДАТИ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

— истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва хомашёни юксак тайёрлик даражасигача қайта ишлаш соҳалари мажмуини муттасил ривожланишини таъминлаш мақсадида, инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш, бу жабҳаларда чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳамда ўз кредит ресурсларини жалб қилган ҳолда, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;

— бунда, озиқ-овқат, кундалик истеъмол моллари, дори-дармон, уй-жой қурилиши билан шуғулланувчи барча мулк шаклларига қарашли корхоналар фаолияти ва тадбиркорликни рағбатлантириш, солиқ тизимини такомиллаштириш алоҳида эътиборда бўлиши лозим.

Шундан сўнг, А. Жалолов ўзининг сайловолди дастуридан муҳим ўрин эгаллаган **ижтимоий ва маънавий ривожланиш муаммоларига** йиғилганлар диққатини тортди.

Ҳар қандай жамиятда барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири — **бу — кучли ижтимоий сиёсатни** амалга оширишдир. Айни шу манфаатлар мувозанатини таъмин этади. Бунда, ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишдан манфаатдор бўлган мулкдор, ўз ҳаракатлари билан, даромадларининг асосий манбаи меҳнат бўлган ва, биринчи галда, ўзларининг юксак ҳамда тўлақонли даражадаги ижтимоий хизмат ва неъматлар, ишончли ижтимоий ҳимояга эга бўлишга интилувчи, кишилар эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун иқтисодий замин яратади.

Ижтимоий сиёсат, албатта, аниқ мақсадли бўлиши лозим. Чунончи, у меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбатан, унумли меҳнат орқали, ўзини-ўзи фаол иқтисодий ҳимоя қилиши учун зарур ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар яратишга қаратилган бўлиши керак. Ҳар бир меҳнатга лаёқатли кишига ишлаб чиқаришда ёки тадбиркорликда, ўз меҳнати билан турмуш эҳтиёжларини меъёрий қондирадиган даражада, етарли маблағ топишнинг, кенг имкониятлари яратилиши лозим.

Аҳолиси зич жойлашган Тошкент вилояти учун бу масалалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, унча узоқ бўлмаган тарихимизда, кўплаб ижтимоий масалалар ҳал этилмаганлиги натижасида, биз бу ерда ижтимоий-сиёсий аҳвол беқарорлашгани ва бошқа салбий ҳодисалар гувоҳи бўлганмиз. Шунинг учун, аҳоли бандлиги даражасини ошира бориб, янги иш ўринларини яратиш, ниҳоятда муҳимдир.Чунки, ишсизлар, айниқса ёшлар, турли салбий оқимларнинг таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Ўз навбатида, аҳолининг ночор қатламлари, — пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ўқувчи ёшлар, қаровчисиз қолган кексалар ва болалар, - инфляция оқибатида уларнинг даромади камайишини, энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсияси миқдорларини тегишли индексация қилиш орқали, оқилона қоплаш лозим.

Мамлакат эркин ривожланиши дастлабки саккиз йиллигининг, инкор қилиб бўлмайдиган даражада кўрсатишича, амалга оширилаётган ўзгартиришлар фақат турмушнинг барча : сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва, сўзсиз, маънавий жабҳаларида ислоҳотлар муштараклиги таъминлангандагина, юқори натижа беради. Зеро, халқимиз олдида турган юксак мақсадларга жамият маънавий янгиланишисиз эришишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Мустақиллигимизнинг энг асосий маънавий қадриятларидан бири, бу —барча миллат ва халқларнинг анъаналари, дини, маданиятига ҳурмат, улар ўртасидаги асрлар давомида қарор топган дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашдир. Кишиларнинг ўзаро маънавий бойишидан жамият фақат ютади, — деди нотиқ ўз сўзида.

Олдимизда турган мураккаб вазифаларни ҳал этишнинг асосий шартларидан бири — демократия қоидаларига қатъий риоя қилиш бўлса, иккинчиси — барча ўзбекистонликларнинг Ватан равнақи йўлида аҳиллик билан меҳнат қилишларидир, деди А.Жалолов пировардида.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши биринчи котиби Р. Ҳусанов, Қибрай тумани "Лимончилик" жамоа хўжалиги раиси Ўринбосари Ш. Мирзааҳмедова, «Бўстонлиқ овози» газетаси бош муҳаррири О. Усмонов, "Маънавият ва маърифат" республика кенгаши Зангиота тумани бўлимининг котиби Х. Рустамовалар сайловчиларни 2000 йил 9 январда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга даъват этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«Ўзбекнома» — мустақиллик зафарномаси

Истиқлол — Оллоҳнинг олий марҳамати ва буюк инъоми! Бу илоҳий саодат бевосита Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бизга ҳам насиб этди. Биз ҳам жисман, ҳам фикран озод бўлдик... Бу нақадар улуғ бахт!

Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг соҳиби, олим ва публицист, хамсанавис адибимиз Барот Бойқобилов «Биз ким эдигу ким бўлдик?» деган саволлар атрофида мулоҳаза юритиб, ўзбекнинг тахминан тўрт минг йиллик тарихи, Мустақиллик ва Президентимиз фаолиятини бадиий таҳлил этиб, «Ўзбекнома» деган тарихий-фалсафий ва маънавий-маърифий достон яратди. Етти фасл, олтмиш номадан иборат бу асар шундай тузилганки, унда шеъриятимизнинг барча имкониятларидан унумли фойдаланилган. Муаллиф ҳар фаслни бир достон билан якунлаб, достон ичра достон яратган ва уни «Ҳафт авранг» («Етти тахт») деб номлаган.

Бу улкан — 30 минг мисра, 848 саҳифадан иборат янги асарнинг асл моҳияти ва мазмуни юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида истиқлолга эришганимиз билан чамбарчас боғлиқ.

«Ўзбекнома» — Мустақиллик зафарномасидир! Ундаги жарангдор мисраларда Ўзбекнинг юксак маънавияти, сабр-тоқати, меҳр-оқибати, виждони уйғоқлиги, иймони бутунлиги, орномусининг кучлилиги, илмга ташналиги, саҳоватпешалигию бағрикенглиги, меҳнатсевар ва тантилиги, мардлиги Президент тимсолида асар мағзига сингдириб юборилган.

Ўзбек халқининг тарихига назар солсангиз унда порлоқ саҳифаларни кўп учратасиз. Унинг доимо маънавият ва

маърифатга ошно, юксак маданиятли, Ватани, юрти учун фидойи ҳолда кўрасиз. «Ўзбекнома»ни ўқиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Халқимиз бошига кулфат солган босқинчилар — Александр Македонский ва Доролар ҳужумлари, шунингдек, араблар, мўғуллар ва руслар босқинларини акс эттирган саҳифалар гўёки шоир юрагидан фарёд бўлиб отилиб чиққандай туюлади. Ундаги қуйма сатрларни ўқиб, она-Ватан тупроғи нақадар муқаддас эканига яна бир карра иймон келтирамиз ва маҳобатли Ўзбекистонни янада кучли меҳр-муҳаббат билан севамиз. Шоир қалби ҳар қандай уруш ва ажал уруғини сочувчи балою офатларга, ноҳақлик ва адолатсизликка қарши курашади ва халқларни дўстона ҳамкорликда яшашга чорлайди, ор-номус, мағрурлик ва диёнатни улуғлайди.

Бу асар бизга ўзбек халқининг узоқ ўтмишдаги улуғ алломалари, буюк саркардалари, Афросиёб, Амир Темурдан то Ислом Каримовгача бўлган раҳнамолари, қадимий шаҳарларимиз — Самарқанд, Бухоро, Хива ҳақида ҳам янги маълумотлар беради. Ўзбек давлатчилиги тарихига бағишланган саҳифалар айниқса, ўқимишли ва таъсирчандир. Шоир набираларига йўллаган рамзий номалар худди барча ёшларга қарата айтилган панду насиҳатлардай янграйди. «Ўзбекнома» мазмунига ҳамоҳанг достонлар ва унинг мағзига сингдирилган сонетлар юксак бадиийлиги жиҳатидан шеърият шайдолари учун ҳам ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтамоғи муқаррардир. Олтмиш номанинг эса сонет билан якунланиши ўзига хос мазмун ва шакл ранг-баранглиги таъминланган.

Хуллас, Барот Бойқобиловнинг янги китобини ўқиганда аждодларимиз босиб ўтган шонли ва ғолиб, мунгли ва ўксик йилларга қайтамиз. Ва қайсидир даврлар дунёни ўзига қаратган Ўзбекни кўриб хурсанд бўлсак, бошқа бир йиллари ўз эрки ва озодлигидан маҳрум Ўзбекни кўриб куюнамиз. Шунинг учун ҳам «Ўзбекнома» халқимизнинг буюк тарихини ўрганишда муҳим манба бўлажаги аниқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобиловнинг «Ўзбекнома» асарини 10.000 нусхада чоп этди. Бу асар нашрида концернинг етук мутахассислари иштирок этгани эса қувончли ҳолдир. Янги асарга Рашид Рауф ва Давлатмурод Саъдуллаевлар масъул муҳаррирлик қилдилар.

«Ўзбекнома»ни Ўзбекистон халқ рассоми, академик Қутлуғ Башаров юксак дид ва маҳорат билан чиройли безаган.

Хуршид РАУПОВ,
Жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети толиби

Маълумки, Навоий шаҳридаги «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиздаги энг йирик саноат корхоналари сирасига киради. Шу боис ҳам корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб катта. Бу ерда иш кучининг кўплиги эса меҳнат унумдорлигининг янада ошишига имкон бераяпти. Айни чоғда, бирлашмада 10 мингга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти хотин-қизлардир.

Сўнгги йилларда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш корхонаси жадал суръатларда ривожланмоқда. Ҳозирда 100 хил турдаги истеъмол товарлари ишлаб чиқарилаяпти. Жумладан, газлама, иш кийим-кечаклари, тўшак қопламалари, мебель жиҳозлари, гилам-поёндозлар, уй-рўзғор буюмлари, махсус иш кийимлари сингари маҳсулотлар аллақачон ўз харидорларини топган.

Яқинда корхона жамоаси Тожикистон Республикасининг Қайроқум ҳамда Хоразм вилоятининг Хива гилам фабрикаларидан тўқув дастгоҳлари келтириб, гилам тўқиш цехини ишга туширди. Ҳозир бу ерда 100 га яқин киши ишламоқда. Шунингдек, цехда яна 8 та дастгоҳ ўрнатиш ва 100 ишчи ўрнини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Суратда: Гилам цехи тўқувчиси Сайёра Суярова. У ўз ишининг билимдони.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат

Хорижга тайёр маҳсулот

«Қизилқумцемент» қўшма корхонаси янги йилни муносиб бошлашди. Ўтган йили бир миллион 475 минг тонна цемент ишлаб чиқариб, унинг 40 фоизини ҳамдўстлик мамлакатларига жўнатган навоийликлар янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ маҳсулот ишлаб чиқариш қўламини янада оширишди. Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Озарбайжон республикаларига қадоқланган цемент етказиб бериш шартномасига кўра, корхона жамоаси 1,5 минг тонна 50 килолик қилиб қадоқланган цементни хорижга чиқариш учун тайёрлаб қўйди.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Мангу шаҳар» ҳам яқин бўлади

Баҳорда ўзбек самолётлари Италияга парвоз этади

Ўзбекистон Республикаси 2000 йилга жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада мустаҳкамлаган ҳолдақадам қўйди. Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштиришда авиация соҳасидаги кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада янги йил арафасида Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасида ҳаво қатновлари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил июнидаги Флоренцияга расмий ташрифи ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши мамлакатимизнинг Ғарбий Европа мамлакатлари шу жумладан Италия билан иқтисодиёт, савдо-сотиқ, маданият ва сайёҳлик соҳасида алоқаларнинг кенг имкониятларини очди. Чунончи Италия сармояси иштирокидаги 19та қўшма корхона мамлакатимизда фаолият кўрсатмоқда.

Италияга ҳаво қатновини очиш бўйича тайёргарлик 1994 йилда бошланган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мамлакатларимиз ўртасидаги ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзолаган эди. МАК бош директори Арслон Рўзметов маълум қилганидек, ўша вақтдан эътиборан авиаташ-шувлар соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш учун катта ишлар амалга оширилди. Бозор ўрганилди, тарифлар, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари ишлаб чиқилди, тижорат шартномалари тузилди. Айни чоғда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари Бергамо, Неаполь, Пизага юк қатновларини бажарди. 1998 йилда эса «Экзотур» сайёҳлик фирмасининг буюртмасига кўра Анконага йўловчилар бир неча қатновлари амалга оширилди».

Дарвоқе ҳозир мамлакатимизнинг учта ҳалқаро аэропортларини замонавийлаштиришнинг охирги босқичини ўтказишда «Алениия Маркони Системс» фирмаси таркибида Италия томони ҳам фаол қатнашмоқда.

Шу йилнинг баҳорида ўзбек учувчилари «мангу шаҳарга» илк бор парвоз этадилар. Тошкент — Рим йўналишидаги ҳаво қатновлари энг замонавий «Боинг — 757 ва 767» самолётларида амалга оширилади. Шундай қилиб миллий авиакомпаниянинг халқаро йўналишлари Римга ҳам олиб боради.

Алишер РЎЗИЕВ

Асрлар

Йигирма биринчи аср

I. Дийдор ғанимат

Яқинда туғилган қишлоғимга борганимда ёр-дўстлар билан бир маъракада учрашиб, кимлар билан ўқиганимиз, ҳозир улардан ким бор, ким йўқ, ким қаерда яшаётгани тўғрисида давра ҳангомаси қурдик. Табиийки, тенгдошлар сийраклашиб бормоқда. Биздан аввалроқ туғилганлар атиги бир нечагина қолибди. Энг кекса табаррук ёшдагилардан эса Шарип Эшматов ва Рофу Темировни тилга олдик. Уруш йиллари фронтдан ярадор бўлиб қайтган Рофу Темиров билан мактабда бир неча муддат муаллимлик қилган эдим. Шарип Эшматов қишлоқ шўроси идорасида хизмат қиларди. Одамлар ҳазиллашиб, у кишини «Қумалоқ бобонинг ўғли» деганларини тез-тез эшитардим ва ўйлардим: наҳотки, Қумалоқ исм бўлса?.

Кунлардан бир кун Шарип Эшматовнинг тенгдоши ва дўсти — акам Карим Муқимовдан бунинг сабабини сўрадим. Мендан ёши улуғ Шарип Эшматовнинг ўзидан бу ҳақда сўрашга тортиниб, ботинолмадим.

— Ҳа, оталарини «Қумалоқ бобо» деган лақаби бор эди, — тушунтирдилар акам. Донишманд одам бўлганлар. Олдин Қизилқум чеккасидаги Қуччи (Қутчи) қишлоғида яшаб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Қўй ва қорамоллари кўп бўлган. Қўйларини қароқчилар ўғирлаб кетганида, Эшмат бобо из қидириб-қидириб, ўз қўйларининг йўлда қолдирган қумалоғидан таниб, кетидан тушган ва чўлнинг нариги бетидаги олис бир қишлоқдан топиб келган экан.

— Шу-шу ўта билағон ва нозик табиат, сезгир ва сергак, ҳатто қўйларнинг қумалоғини бир-биридан ажратиб, фарқ қилғувчи синчи Эшмат бобога теварак-атрофдаги халқ «Қумалоқ бобо», «Синчи бобо», «Энчи бобо», «Башоратчи бобо» деган лақаблар берган экан. Яна «Дониш калла» ҳам дер эканлар.

Тулки терисидан тикилган, ота мерос телпак — малаҳай қалпоқ вафотларидан кейин қишлоқма-қишлоқ, қўлмақўл бўлиб кетган. Қадим ота-боболар иримига кўра, чала туғилган болалар «Дониш калла» кийган қалпоқ телпак ичида бир неча муддат яшаши керак экан. Ўз қулоғим билан эшитиб, ўз кўзим билан кўрганман: ўша қишлоқда туғилган чала чақалоқлардан бирига «Дониш телпак» бир неча фурсат бешик вазифасини ўтаган. Қалпоқ ичра айланасига, ҳалқа шаклида ётгани сабабли «Ўрин чиялак» деган лақаб ҳам олган эди. Ҳа, ўша бола чала туғилган бўлса-да ақлли, дониш бўлиб вояга етган. Фарзандлари ҳам фаҳм-фаросатли, заковатли кишилар бўлиб етишди. Балким, ушбу ирим хурофотдир. Бироқ ҳамон-ҳамон иримга ишониш давом этади. «Ихлос-халос», дейди халқ. Яна «Ихлос — қадимдан мерос» ҳам дейдилар...

Шарип Эшматов билан кўпдан кўришмаган эдик. Ўша галги сафарим чоғида уни кўргани Кўкработга бордим. Йўлда учрашиб қолдик. Асога суяниб, қаердандир уйига қайтаётган экан. Менга бироз термулиб туриб:

— Йўлдошмисан, э, бормисан, — дея қучоқлаб олди у мени, — камнома бўлиб кетдинг. Танимай қолибман...

— Дониш телпакни киймаганмиз-да, — дедим ҳазиллашиб.

Шарип ота қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Дониш телпак сарқит сифатида тугатилди. Ўттизинчи йиллари «Бу телпак — алвасти телпак, жин телпак, хурофот» деб текширгани олиб кетган эдилар. Ота-бобомиздан қолган деб музейга қўймоқчи эдик. Бўлмади. Аттанг, йўқолиб кетди. Хурофот эмас, хосиятли телпак эди. Ҳа, майли бош омон бўлсин! Бош омон бўлса, телпак топилади. Қариб қолдим. Ана-мана дегунча юзга кираман. Ўйлаб юрган ўйларим кўп. Сани чақиртириш ниятим бор эди. Юр, юра қол уйга, гурунг қиламиз. Ўзинг йўқлаб келдинг, барака топ! Хурсанд қилдинг. Дийдор ғанимат...

II. Турон тут

Шарип ота кўк чой ила тўлдирилган гулдор чинни пиёлани менга узата туриб, бошимиз узра кенг қанот ёйган улкан тут дарахтига ишора қилади ва сўрайди:

— Неча ёшга кирган деб ўйлайсан, тепамиздаги шу тут?

Отахон синовчан кўзлари ила мендан жавоб кутиб тикилади.

— Ўзингиз айтмасангиз, бир нима дейишим қийин...

— Ҳа, менинг ўзим ҳам аниқ айтолмайман, лекин бобомдан эшитганманки, у киши болалик пайтларида ҳам шу тут шу тахлит қанот ёйиб турар экан. Бобохонларимиздан қайси бирлари ниҳолини ўтқазганлар, номаълум. Бироқ бир воқеанинг гувоҳиманки, уни сенга айтиб беришим керак. Табиатнинг ўйинларини қарангки, йигирманчи йил кузагида қаттиқ бўрон турди. Бўроннинг шаштига чидаёлмай тутнинг гавдасига зарб етиб, дарз ёрилди. Новда-шохлари бир-биридан ажралиб, дарахт иккига бўлиниб кетди.

— «Бу катта касофату-ҳалокатдан дарак», деган эдилар ўшанда бобом... Юртда ур-йиқит бўлади, алғов-далғов қўзғолади. Илоҳим, бизни четлаб ўтгай...

Бахтга қарши касофат четлаб ўтмади. Қўзғолон қизил инқилоб, тобора зўрайиб, элюртни қамраб олди. Кимларни йиқитди, кимларни ямламай ютди. Бухоро амири салтанат тахтини тарк этиб, қочиб кетди.

Кўп ўтмай қизил ислоҳотчилар енг шимариб «иш» бошладилар. Фрунзасидан кейин Қўйбешев деган болшовойлар бошлиғи изғиб юрди. Кейин соқолини селкиллатиб, Каленин келди. Бухорода қурултой ўтказди. Эсимда: отам латифа каби ҳикоя қилардилар, Масковни буйруғига биноан Қўйбешев ўзимиздан, Туронюртдан чиққан шоввозлардан бир нечасини тўплаб, «Ерсув ислоҳоти» деган «тадбир» ўтказди. Янги республикаларнинг чегарасини белгиладилар. Қандай қилиб, денг? Кулиб, ичагингиз узилади. Маст туяга миниб олиб, ўзлари ҳам бир неча шиша арақ ичиб, Ўрта Осиё бўйлаб, чегара белгилашга чиқдилар. Маст туя қаёқдан ўтган бўлса, ўша ерда чегарани ҳам ўтказдилар. Шул сабабки, чегараларимиз қинғир-қийшиқ бўлиб қолган экан.

Ушбу ҳангома бўлиб ўтган воқеами ёки тўқилган афсонами, билмайман. Хўжа Насриддин латифасига ўхшаган бу ҳақиқатни фақат отамнингина эмас, балким бошқаларнинг ҳам оғзидан эшитганман. Шу-шу қаттиқ бўрон вақтида яраланиб, шохлари ажралиб кетган тутни отам бўлиниб қолган Туркистону-Туронга тимсол қилиб, «Турон тут» деб атаган эдилар.

Синган суяк ёки ўрнидан чиққан бўғинни шикастбандлар жой-жойига тушириб, даволаганларидек, яраланиб, гавдаси иккига бўлинган тутни бобом ва отам қайта бирлаштириб, мустаҳкам сим арқон билан маҳкам боғлаб қўйдилар.

— Агар шу қутлуғ тутнинг яраси битиб, шох бирла навдалар бирикиб, бирлашиб кетса, мамлакат ҳам шикастлардан фориғ бўлиб, яна бутунлашади. Қайта қад кўтарган Турон тут тимсоли Она-юрт тимсоли бўладур, дер эдилар.

Мана кўриб турибсанки, Турон тут қоматини ростлади. Ёзда соябонинг, қишда қўрғонинг, кечаю-кундуз тахти равонинг шу Турон тут, йил-ўн икки ой кўпроқ вақтим унинг тагида ўтади. Отам ҳам, онам ҳам, ибодатхонам ҳам шу Турон тут. Унинг остида номоз ўқийман, қанотларига қараб, хаёллар қўйнига парвоз қилурман. Гоҳо унинг бағрида бола-чақаларим, невара-ювараларим йиғилади, балки менга, балки ана шу Она тутга сиғинади. Қалби кенг Турон тутнинг қучоғига ҳамма сиғади...

Ушбу қадрдон тутнинг қанотлари остида чой ичиб, тез-тез хаёл дарёсига шўнғийман, миямда турли-туман мулоҳазалар, ширин орзулар кезиб юради, фикру-зикрим унади.

Вақт етиб келурким, Туркистону-Турон элатлари худди шу тут каби яктан бўлиб, ягона бўлиб бирлашурлар. Уларнинг танасига етказилган яралар шифо топур. Ўшанда ҳар қандай бўрону-тўзон ва тўфонлар унинг новдаларини ажратолмас...

Бобом ва отам қилган башорат бул. Боболар башорати — ҳақиқат далолати...

— Ушбу нақлингиз худди шу Турон тут сингари теран томирлидир, илоҳим, айтганларингиз келсин! Халқ дуоси — тарих худоси, дерлар донишлар.

III. Қоқтобон ва қақраган ёвон

... Нақл тинглаб фикр қил, фикр қил-да, шукр қил!

— қўшимча қилди Шарип ота, — шунинг учун шукр қилки, бўронли кунлар ўтиб кетди. Тепангда бунингдек бақувват соябонинг бор, ҳовлинг ичидан ёки оёғинг остидан ариқлар шарақлаб оқиб турибди, хонадонинг, эл-юртинг доруломон...

Билгинки, ношукурчиликдан ёмон нарса йўқ. Хоҳласанг, бу ҳақда ҳам бир нақл айтиб берай...

— Биласизки, нақл эшитишга ўчман... Қанча кўп айтсангиз, шунча хурсандман.

— Ношукур бандаларни кўрсам, шу нақл эсга тушади. Тўғрисини айтсам, «Нақл эмас, бўлган воқеа», дер эдилар отам билан бобом. Биласан-ку, Кўкработга кўчиб келиш олдидан бизнинг аждодлар Қуччида яшаганлар, билиб қўй, аслида «Қутчи» — «Бахтчи» дегани. Сўрарсан балким, шундоқ қутлуғ жой экан-у, нега ташлаб бу ёққа кўчиб келганлар!?

Отам ва бобом ҳикоя қилар эдилар: Қуччи обод юрт бўлган. Лекин у ердан кейинчалик хайру-барака кетган, бунга афсонами ёки ҳақиқат, бир ишёқмас, ношукур кимса сабабчи бўлган. Ўзинг биласан, Қуччининг ерларидай маҳсулдор ер қаерда бор? Вақти-замонида улоқ ёки қўзи сўйганлар ғўза бутасининг шохларига уни илдириб қўйиб, гўштини терисидан ажратар эканлар. Бу тупроқда ўсган қовун-тарвуз устига бола миндирилса, оёғи ерга тегмаган, деган нақл ҳам бор. Балким бу гаплар лофдир. Лекин ҳар бир лоф, ҳар бир афсона тагида ҳақиқат ҳам бор. Қуччининг тупроғи чиндан ҳам мўъжизали эди...

Боя айтганим ношукур кимсанинг ҳовлиси ёнидан қадимда катта ариқ шарақлаб оқиб ўтар экан. Ариқнинг иккинчи қирғоғига ўтишга кўприк йўқ экан, бироқ ўша ношукур одам ариқ устига кўприк қуриш ғамини емай, фақат нолир экан: «Қуриб кетсин бу ариқ, йўлим устида тўсиқ бўлиб турибди, нарёғ қирғоқдаги ёр-биродарларимникига, на бозорга бора оламан. Кечаю-кундуз шовуллашидан қулоғим қоматга келади...»

Ҳамиша, ҳар кун бундай мудҳиш нолишни эшитган худо ариқ сувини қуритибди. Булоқнинг кўзи қўмилибди. Яшнаган далалар, боғуроғлар қовжираб қолибди. Одамлар ҳарчанд уннасалар ҳам ерларига сув чиқара олмай кўчиб кетибдилар. Ўша ношукур кимсага одамлар «қоқтобон» деб лақаб беribдилар. Экин ўсмайдиган тақирларга айланган ерларни «қақраган ёвон» деб атайдиган бўлибдилар...

дарси

остонасидаги ўйлар

IV. Кўртугун калава ва дониш калла

— Нақл келса, ақл келар, ақл келса, нақл келар, келавер нақлларим, келавер! Шарип ота пиёладаги чойдан бир ҳўплам ичиб яна давом этади:

— Мана, қадимдан қолган яна бир нақл... Бухорода бир донишманднамо косиб ўтган экан. Вақти-соати етиб, қариб-қартайиб, ёруғ дунёни тарк этиш олдидан икки ўғлини ётган тўшаги ёнига чақирибди ва дебди: Сизларга рўзгордан орттириб бирон бир арзигулик бойлик қолдира олмадим. Кўзим очиқлигида айтиб кетай. Дўконхона даҳлизида бир катта сандиқ қулфланган турибди. Калити йўқолган. Қайда билмайман. Агар калит топиб, очсанглар сизларга қолдирадиган меросим ўшанинг ичида. Меросни икковинг баравар бўлиб олинглар. Сандиғниям кўзи кўр. Ичидаги меросни ҳам кўзи кўр. Кўз очиш ўз қўлингизда...

Отани кўмишга улгурмай туриб, тўнғич ўғил сандиқни очишга уриниб кетибди.

— Шошманг, акажон, — дебди кенжаси, — отамиз ҳали тирик. Балким оёққа турарлар, сабр қилайлик...

Тўнғич кўнмай, сандиқни синдирибди. Очиб қараса, бир-бирига қалашиб-чатишиб тўда-тўда ипак калавалар ётибди. Ака-укаларнинг аёллари калавалар устида талашиб, уларни баттарроқ чигаллаштириб юборишибди. Калавалар бир-бирига ўралашиб, чинакамига кўртугун бўлиб қолишибди.

Тўнғич ўғил калаваларнинг аксар қисмини тортиб олибди-да, шошиб-пишиб, тита кетибди. Кўзини билмай тортилган иплар калаваларни янада чалкаштириб-чигаллаштириб юборибди. Ношуд ўғил калава иплари учларини тополмай, уларни қайчи билан қирқибди. Бироқ қисқа-қисқа қирқилган иплардан мато тўқиб бўлмапти.

Кенжа ўғил эса шошмапти, калаваларнинг кўртугунини ечиш йўлини, тугилиб қолган иплар учини авайлабгина қидирибди. Кўртугунларнинг учини топгандан сўнг, уларни қайта йигириб, ғалтак қилибди. Тугуни ечилган иплардан тўқилган матолар баракали ва бежирим, нафис, харидоргир бўлиб чиқибди...

— Ҳар бир жумбоқ ишда кўртугун учини топган киммасса дар қолмайди, — нақлга якун ясайди Шарип ота, — тугун ечмоқ — оқилнинг иши, тугун кесмоқ жоҳил қилмиши.

Бу кўҳна дунёнинг юмушлари, ташвишлари ҳам кўртугун калава учини топишга ўхшайди. Оғайнигинам, мен салкам бир аср яшаб кўйдим. Ҳамон отимни қичаб, қамчилаб бораяпман, манзилим йироқ. Не-не яхши-ёмонларни, не-не замонларни кўрдим. Бир аср дарси кўнглимда жо. Хулосам бундоқ: ҳаётнинг кўртугун калаваларини ечолмаганлар нотавон, кўртугун ип учини топганлар чин инсон, балким дониш султон...

Гоҳо Туронтут тагида ётиб ўйловга ботаман: тарихимизда кейинги асрлар мушкул ва оғир кечди. Амир Темур Соҳибқирондан сўнгра салтанатимиз ўзини тиклай олмади. Бамисоли ўша қадимги косиб қолдирган кўртугун калавалардек жумбоқ мерос ота-боболаримиз қўлига тегди. Ушбу мерос — кўртугун калавалар бир-бири ила талашиб-тортишган оғаини, қавму-қариндошлар орасида бўлак-бўлак бўлиб кетди. Эвоҳким, салтанатимиз эсон-омон турганда эди, аллақачонлар дунёнинг энг қудратли, энг нуфузли мамлакатлари ила тенглашадиган ва беллашадиган давлат соҳиби бўлган бўлур эдик.

Шукрким, минг қатла шукрким, йигирманчи асрнинг охири, йигирма биринчи аср остонасида тақдир бизга кулиб боқиб, қарамликдан қутилдик. Бироқ бу қарамлик ва тутқунлик давридан чувалиб-чигаллашиб кетган кўртугун калавалар мерос бўлиб қолди. Уларнинг кўртугунини ечиш осон иш эмас эди...

Мана, тўққизинчи йилга қадам қўймоқдамизки, ғанимларимиз, жину-ажиналар тугиб кетган тугунлар бирин-кетин ечилмоқда.

Кўртугун калава тўғрисида гапиравериб, фикру-зикрингни чувалаштириб қўймадимми, балким кўртугун калаванинг катта миқёсдаги, давлат ва мамлакат кўламидаги ишларга нима алоқаси бор, дерсан. Шундоқ ўйласанг агар, хато қиласан. Чунки кўртугун калава учини йўқотган кимса фикрлаш, тафаккур қилиш ипини ҳам йўқотиб қўяди. Ҳар қандай кўртугун ипини топган киши тўғри фикрлаш йўлини, жумбоқлар ечимини топади, дониш ҳар қанақа ботил кўртугунлар кўзини очади...

Мана, ўзинг ўйлаб қара. Бизда шўро давридан мерос бўлиб қолган калаваларнинг кўртугунлари ечилди. Дўкону-дастгоҳларимиз равон ишлаб турибди. Сабабки, бизда теран ва тиниқ тафаккурли Дониш Инсон раҳнамолик қилмоқда. Парвардигоримиз ўзи бизга эҳсон этган Инсонни ҳар кун кўргум келади, кўпинча ана шу Туронтут соясида телевизорга термилиб ўтираман. Сафарларга жўнаш ва қайтиш пайтларида самолёт зинапояларида шахдам қадам ташлашлари кўнглимга жуда-жуда хуш келади. Негаки, қутлуғ қадамлардир булар. Куч-қудрат, ғайрат ва шижоатга тўла қадамлардир улар. Мен бу қадамлар йироқларни кўзлаб ташланаётганини, эл-юртга довруғу-даврон, фаровонлик олиб келишини ва осойишталик, бахт-саодат бахш этишини пайқаб, сезиб тураман. Мен улуғ ўзбек элининг қутлуғ қадам йўлбошчиси Президент Ислом Каримов ҳақида гапирмоқдаман. Сен қаламкашсан, менинг мулоҳазаларимни халқимизга етказ!

Кейинги асрларнинг аччиқ дарсу-сабоқлари даъват этадики, эл-юртнинг барча фарзандлари, агар Ватанни чинакамига севсалар, барча майда-чуйда гина-гузора ва низоларни бартараф этиб, синалган ва манзилга элта оладиган етакчи-раҳнамога эргашсинлар! Оллоҳ таоло неча-неча асрлар оша бизга яна улуғ насиба эҳсон этдики, бу эҳсонни оғзимиздан олдириб қўймайлик. Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар, тўртовлон тугал эрса, тепадагин ундирар, дея таълим берганлар ота-боболаримиз. Тағин айтурлар: низо — хавотир, ризо — жавоҳир. Оталар сўзига амал қилайлик!

Тунлар қисқа, ухлай олмайман, тонг-ла тураман. Ана шу дақиқаларда қалб кўзгудек тиниқ бўлади, руҳ енгиллашиб учади, унга алланечук сеҳрли ҳислар қўнади. Тиниқ кўзгу ва сеҳрли ҳисларда эса келгуси ёруғ кунлар аён бўлади. Илоҳий туйғулар Оллоҳ буйруғи ила келур, илоҳий ишорат бўлса, эзгу башорат туғилур...

V. Паҳлавонлар ва нотавонлар

Кейинги кунларда қалбимни янада ғаройиб туйғулар қоплаб олди. Ким эдик, бугун киммиз, эртага ким бўлурмиз?

Ушбу саволга жавоб беришдан аввал, тағин бир нақл ёдга тушади. Жуда қадимий нақл. Икки эгизак дарё — Жайхун бирла Сайхун қирғоғида икки эгизак қавм яшаган экан. Номлари шу сабаб тақовул экан. Бирини Чамбил, иккинчисини Сусамбил деб атар эканлар. Чамбил қавми болаларини бешикданоқ мардлик, жасурликка ўргатар экан, «Бўрини бос!», «Йўлбарсни бос!» деб қулоғига қуйиб вояга етказар экан. Сусамбил қавми эса болаларини бешикда тебрата туриб «Ана олабўжи келди, мана яжуж-мажуж келди!» деб қўрқитар экан. Шу сабаб чамбилликлар паҳлавон, мард, жасоратли бўлиб етишар эканлар. Сусамбилликлар эса қўрқоқ ва майиб-мажруҳ бўлиб қолишар экан. Охир-оқибатда икки қавм орасида уруш чиқиб, лашкарлари тўқнашганларида сусамбилликлар жанг майдонидан тум-тарақай бўлиб қочган эканлар. Шу-шу Сусамбил қавминнинг ном-нишони ўчиб, Чамбилликлар бутун оламга донг таратган эканлар. Ушбу қавмдан Гўрўғли Султон каби паҳлавонлар чиқиб, ер юзини қойил қолдирган экан...

Нега мен бу нақлни эсладим?

Мана, икки мингинчи йил келиб қолди. Йигирманчи асрнинг охирги манзили, йигирма биринчи асрнинг бўсағаси бу...

Ўн олтинчи асрдан бошлаб калаванинг учини йўқотдик. Ўшандан бошлаб низо балоси бизни кемирди. XIX ва XX асрлар тутқинлик даври бўлди. Тўрт аср мудрадик. Ҳайрият, мана тўққизинчи йилки, уйғондик. Ушбу асрнинг охирги манзили қутлуғ зинапоя бўлурким, унга таяниб келгусига парвоз қилурмиз. Йигирма биринчи аср бизнинг даврудавронимиз бўлур...

Энди бизга Алпомиш ва Гўрўғлидек паҳлавонлар, Амир Темур Соҳибқирондек дониш султонлар керак. Мажруҳлар, нотавонлар замони ўтди, паҳлавонлар замони бошланди. Мен тушуниб турибман, ана шунинг учун бўлса керакки, Юртбошимиз йигирманчи асрнинг охирги манзилини «Соғлом авлод йили», деб эълон қилдилар.

Яна такрор айтаман: бундан мен чуқур маъно англадим, теран тимсол топдим. «Соғлом авлод» — паҳлавон авлод дегани. Мажруҳу-майиб тарзидаги нотавонлар, жоҳиллар юртни фалокат ва ҳалокатлар жарига ташлаган бўлсалар, соғлом авлод аҳли, забардаст паҳлавонлар насли Она ватанни оламга кўз-кўз қилади, жаҳоннинг қудратли салтанатлари даражасига кўтаради.

Шундай буюк салтанатни кўриш асрий ширин орзум эди. Ушбу кунни кутиб салкам юз йил яшадим. Энди армоним йўқ, десам бўлади. Яна бу ёғига Худо пошшодир... Ҳали бардамман, таним соғлом, руҳим тетик, Оллоҳ яша деса, яшайверамман...

Мулоқотни баён қилувчи:
Йўлдош МУҚИМОВ

Қисқа машварат

Борис Ельцин истеъфоси ҳақида

Билл Клинтон,
АҚШ Президенти:

— Борис Ельцин рус демократиясининг отаси. Агар Ельцин бўшатиб берган сиёсат саҳнасидаги Россиянинг янги лидерлари, худди у каби қатъий ишончни намоён қилишсагина Америкадай фаол ҳамкорни топишлари мумкин.

Мадлен Олбрайт,
АҚШ Давлат котиби:

— Биз Россиядаги кўплаб ҳукумат одамлари билан илиқ муносабатдамиз. Жумладан, Владимир Путин билан ҳам шу пайтгача иш жараёнидаги муносабатларимиз яхши бўлиб келган.

Иоганнес Рау,
ГФР Президенти:

— Россия учун демократияга йўл очганлиги боис мен Ельциндан миннатдорман.

Герхард Шрёдер,
ГФР канцлери:

— Борис Ельцин Россияни шўро даври кайфиятидан халос қилди. Ва, Россиянинг демократик йўналишда тараққий топиши учун муҳим роль ўйнади. У мамлакатимизнинг дўсти ва ишончли ҳамкори эди.

Аман Тулеев,
Кемерово вилояти губернатори:

— Борис Ельцин иззат-икром билан истеъфога чиқди. Владимир Путиннинг эса мамлакатни бошқарувга киришуви чуқур мулоҳаза эвазига ҳисоб-китоб билан қўйилган қадамдир.

Дмитрий Аяцков,
Саратов вилояти губернатори:

— Мамлакатда ҳеч қандай фавқулодда ҳолат юз бергани йўқ. Президентнинг истеъфога чиқиши конституция ва Россия қонунчилиги асосида амалга ошди, холос.

Марат Баглай,
Россия Федерацияси Конституциявий суд раиси:

— Муддатидан илгари, барвақт бўлажак Президент сайлови уч ойдан кейин бўладими ёки уч ой ичида рўй бериши мумкинми Конституциямизда аниқ кўрсатилмаган. Бу ҳолни қачон амалга ошириш Федерация Кенгашининг алоҳида ҳуқуқи. Бироқ, Владимир Путин Президент сайловини уч ой ичида, исталган пайтда белгилашни Федерация Кенгашидан сўраши мумкин.

(Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди)

BS
BURSEL
GROUP

жамоаси Ўзбекистон халқларини

Ийди Рамазон ҳайити

билан муборакбод этади

Ўзбекистон диёри мустақиллик шарофати ила йил сайин гуллаб-яшнамоқда. Оллоҳнинг назари тушган бу ўлкада инсонлар яшаши, билим олиши, бахт-саодатли бўлиши йўлида кўп имкониятлар яратилмоқда.

Азалий жондош ва қондош ўзбек ва турк халқлари дўстлиги абадий бўлсин!

Юк ташиш ҳажми ошди

1999 йилда Сянганда ҳаво орқали ва денгизда юк ташиш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан мос равишда 30 ва 7 фоиз кўпайган.

Статистика маълумотларига қараганда, 1999 йилда Сянган аэропортидаги юк айланмаси 1,9 миллион тоннани ташкил этган.

Айтиш жоизки, сўнгги тўрт йил давомида ҳавода юк ташиш ҳажми ўсиши бўйича Сянган жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Бош вазир қасамёд қилди

Нигер Республикасининг янги сайланган Бош вазири Хама Амаду қасамёд қабул қилди. Бундан бир неча кун аввал у мазкур мансабга демократик тамойиллар асосида мамлакат президенти этиб сайланган Мамаду Танжой томонидан тайинланган эди.

Нигер конституциясига кўра, қасамёд қилиш маросими мамлакат парламентида бўлиб ўтди. Маросимда янги муддатга тайинланган Бош вазир Х.Амаду айни пайтда мамлакатда ҳукм сураётган иқтисодий қийинчиликлар, хусусан, молиявий бўҳронни бартараф этишга ваъда берди.

Вазият қатъий назоратда

Айни пайтда Россия қуролли кучлари Чеченистоннинг тоғли ҳудудларида жангарилар бутунлай қуршаб олган, умумий вазият назорат қилиниб турибди. Маълумотларга қараганда, жангарилар федерал кучлар эгаллаган ҳудудлада террорчилик ҳаракатларини амалга оширишни режалаштирмоқда.

Хабарларга қараганда, шу кунларда жангарилар томонидан Чеченистонга қўшни ўлкаларда ҳам қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилиши эҳтимоли бор.

Евро синовдан ўтди

Европа марказий банки (ЕМБ) президенти Вим Дейсенбергнинг таъкидлашича, 2000 йилда Европанинг ягона пул бирлиги - евронинг қиймати янада ошади. Чунки янги йилда Ғарбий Европада иқтисодий ўсиш АҚШдагига нисбатан анча юқори бўлиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган йили евронинг қиймати АҚШ долларига нисбатан тўхтовсиз пасайиб борди. Ниҳоят йил охирига келиб унинг баҳоси доллар билан қарийб тенглашди. Шу билан евро энг оғир синовларни ортда қолдирди, дейди кузатувчилар.

Бирма пойтахти Раныгундаги ҳукумат қароргоҳи.

Кутилмаган қарор

Полковник Мярт Тиру Эстония қуролли кучлари қўмондони вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Давлат раҳбари Леннарт Мери Эстония қуролли кучлари қўмондонлигини қайта тузиш борасида кутилмаганда шундай қарор қабул қилди. Бунгача Эстония қуролли кучлари қўмондони вазифасини бажарган Урмас Роозимяги бошқа вазифага тайинланди.

Ташқи савдо ўсди

Жанубий Корея ташқи савдосида сўнгги икки йил ичида биринчи бор ижобий фарқ қайд этилди. Мамлакатнинг саноат ва заҳиралар вазирлиги маълумотига кўра, ўтган йили экспорт 144,2 миллиард, импорт 119,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

Шунингдек, мазкур вазирлик 2000 йилда мамлакат экспорти ҳажмини 157 миллиард, импортини эса 144 миллиард долларга етказиш режалаштирилганини маълум қилади.

Шаҳзода Бош вазир бўлди

Тонга давлати қироли Тупоу IV ўз ўғли, шаҳзода Улукалала Лавака Атани мамлакатнинг янги Бош вазири этиб тайинлади. Шаҳзода мамлакат ташқи ишлар вазири вазифасини бажариб келаётган эди.

Шаҳзода Улукалала яқинда Австралиядаги Бонд университетини битириб, халқаро алоқалар ва мудофаа соҳаси бўйича магистр дипломига эга бўлди. Шунингдек, у Австралия ҳарбий коллежининг стратегик мудофаа соҳаси бўйича магистр даражаси соҳиби ҳисобланади.

Маҳсулот кўпайди

1999 йилда Никарагуа ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 6 фоизни ташкил этди. Бунда мамлакатдаги кичик ва ўрта бизнеснинг салмоғи катта. Никарагуада 300 мингдан зиёд шундай корхона бўлиб, улар хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа соҳаларда фаолият юритади. Мазкур корхоналарда экспортга мўлжалланган 120дан зиёд турдаги товар ишлаб чиқарилади. Кичик ва ўрта бизнесда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 90 фоизи банд.

Жиноятлар камайди

Озарбойжон ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, ўтган йили мамлакат аҳолисидан 1600 дона ўқотар қурол, жумладан 319 та автомат ва 338 та тўппонча тортиб олинган.

1999 йилда Озарбойжонда ўқотар қуролдан фойдаланиш кўрсаткичи аввалги йилдагига кўра 8 фоиз камайган. Шунингдек, босқинчилик ва қотиллик жиноятлари ҳам анча камайган.

Бундан ташқари, ўтган йили қидирувдаги 6446 нафар жиноятчидан 4138 нафари қўлга олинган.

Эҳтиром

Қалби бедор инсон

Бу барча яхшилик ва ёмонликларга кўниккан ҳаёт ўз маромида давом этаверади. Уларнинг сарҳисоб палласи жуда яқин. Бир кун келиб сен ҳам кимнидир олдида, йўқ-йўқ, фақат ўз виждонинг олдида, она халқинг олдида умр дафтарини варақлайсан. Энг катта синов Ватан олдидаги, элюрт олдидаги вазифангни қай даражада бажарганлигинг билан баҳоланади.

Мустақил Ватанимизнинг овози уйғоқ нашрларидан бири «Ўзбекистон овози»нинг Бухоро вилояти бўйича мухбири Даврон Баҳроновнинг «Муҳаббат азоби» номли мўъжазгина китобчасини олиб ўйга толдим. Устоз журналист долзарб, халқнинг дилидаги мақолалар ёзиш билан бирга, ҳикоялар ҳам машқ қилар экан. Китобни ўқиб хаёлимизга шундай фикрлар келди. Жамиятнинг энг оғриқ нуқталарига қулоқ тутган, қалби бедор ижодкор Даврон Баҳронов, менинг назаримда ўз соҳасининг қаҳрамонларидан бирига ўхшаб туйилаверди. 1970 йилда Бухоро давлат педагогика институтини тугатган ижодкор 1971 йилдан бошлаб ўз ҳаётини журналистикага бағишлади. Бир неча туман газеталарида, 1993 йилдан бошлаб «Ўзбекистон овози»да фаолият кўрсатиб келмоқда. Мен замонанинг оғирлигини ва яна турли хил баҳоналар билан минг бора турланган, тусланган ўз касбини бошқа даромадлироқ касбларга алмаштириб юборган қиёфалар ҳақида ўйлаганимда, буларнинг акси ўлароқ кўз олдимга Даврон Баҳроновга ўхшаган фидойи инсонлар келади. Ватан юкини, юрагида қўри борлар кўтаради. Газетанинг энг кичик лавозимидан — энг катта раҳбарлигигача бўлган турли юмушларни бажарган, бугун ҳам Бухоронинг ҳар бир қарич ерини, одамларини яхши биладиган Даврон Баҳронов сингари замондошларимиз борлиги кишида фахр туйғусини уйғотади.

Газетачиликдай оғир ва ўз навбатида мароқли касб бўлмаса керак. Бир умр сўз айтиш имкони бор. Дардларингни тўкиб солиш имкони бор. Дилдан кўчаётган изтироб ва аламларингни, халққа етказишга, ҳайқиришга минбар бор. Лекин бу табаррук оламда ўз ўрнингни топишинг, адолат учун курашишинг, ёвузликни енгишинг зарур. Бу касб даромад манбаига айлантирилган кундан бошлаб сени барча инсонийликка хос бўлган туйғулар ташлаб кетганини сезмай ҳам қоласан.

Даврон Баҳронов мақолаларини кузатиб борган киши унинг адолат тантанаси учун ҳақиқий курашчи эканлигини дарров англаб олади. Унинг мақолаларида она тилимизга алоҳида эътибор сезилиб туради. У тинимсиз изланади. Жамиятдаги ғаламисларни фош этади. Ва энг қувонарлиси шундаки, ҳақиқат йўлидаги курашлардан бир зум ҳам тўхтамайди. Узоқ Бухородан етиб келаётган хабарлар, лавҳалар, очерклар, танқидий мақолалар, журналист текширувлари ортида бедор тунлар, азиятлар, изтироблар яширинганлигини сезасан. Бухоронинг жажжи бир гўдагининг дил изҳоридан тортиб, бутун бир вилоятнинг муваффақият ва муаммолари Даврон Баҳроновнинг ўткир нигоҳларидан четда қолмайди. Унинг бутун бир олами, ўткир қалами ва жасоратли юрагидир. У адолатга таянади. Шундан бўлса керак журналистикадай оғир касб юкини елкасида 30 йилдан бери кўтариб келмоқда. У ижод оламининг илҳомбахш уйғоқ тунларини, касб тақозоси билан бутун вилоятни кезиб юрган йўлларини, ҳақиқат эгилган жойда унинг қайтадан қад ростлашини қутиб, қузатиб, ёниб, қуйиб, қўмсаб, соғиниб, ярим аср яшаб қўйганлигини, умр ўтиб кетаётганлигини ҳам сезмай қолибди. Энг асосийси касбига хиёнат қилмади. Газетанинг оғир, енгил кунларида ҳамиша бирга бўлди. Шогирдлар етиштирди. Мазмунли ҳикоялари билан Бухоронинг ҳар бир хонадонига кириб борди. Аслида умр деганлари шу эмасми.

Кўплар Даврон Баҳроновни мақолалари, ҳикоялари орқалигина танийди. Мана шундан ҳам англаш мумкинки, газета, журналист ҳар бир инсон қалбига йўл топиб боради. Мана шу улкан ҳақиқат ортида журналистика касбининг оғир, машаққатли меҳнати ётади. Асримизнинг сўнгги йилида устоз журналист Даврон Баҳронов 50 ёшга тўлдилар. Биз барча касбдошлари номидан у кишини самимий табриклаймиз. Устоз шоир айтганидек:

Бу барча кўргилик,
кўрган ҳаётдир,
Ҳаёт барчасига
қилгайдир тоқат.
Умр деганлари, захмат
саботдир,
Умр деганлари, ишонч,
садоқат.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

5-саҳифа

Дунёда нима гап? Мен қаердан билай...

XX асрнинг сўнгги йили. XXI асрга қадам қўяяпмиз.

Бугун мамлакатимизда неча фоиз аҳоли марказий нашрлар-кундалик газеталарни ўқияпти?

Бу саволга жавоб бериш жудаям ноқулай...

Қайси вилоятга бугун чоп этилган марказий нашрлар шу бугуннинг ўзида етиб бораяпти?

Бу саволга ҳам жавоб беролмаймиз...

Уят — ҳатто айрим вилоятлардаги қишлоқ жойларга газеталар бир ҳафтадан сўнг кириб боради.

Бу — факт!

Наҳотки бугун босмадан чиққан марказий нашрларни ўқувчилар ўз вақтида ҳам мутолаа қилолмаса?

Шунга ҳам баҳона қидириш, сабаб ахтариш важ карсон рўкач қилиш уят эмасми?

Қисқаси, баъзи одамлар газетани унутиб қўйишди...

Иқтисоднинг маърифат йўлида ғов бўлолмаслиги ўз қўлимизда эмасмикин?

Лавозими ортди

Газетада қайсидир раис танқид қилинди. Кўп ўтмасдан у туман ҳокимининг ўринбосари бўлиб кўтарилди. Мана сизга матбуотнинг «кучи»!

Ҳоким мадҳияни билмади

Бу бор гап. Камина саккиз туман ҳокими билан маърифий-маънавий мавзуда суҳбатлашдим? Қисқаси, овоз бемалол эшитилиб турган телефон аппарати орқали суҳбатимизни аудиокассетага ёзиб олдим.

Ишонасизми, ҳоким акамиз мадҳиямизни ёддан билмас эканлар.

Қизиқ, ўзининг, миллатининг ғурури бўлган мадҳияни айтолмайдиган одам қайси юз билан?..

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Мустасно эмасга ўхшайди

Газета дўкони олдида икки киши суҳбатлашаяпти:

— Нега газета дўконларида «Ўзбекистон овози» кўринмайди?

— Бундай бўлиши мумкин эмас, у ҳам сотувга чиқариляпти...

— Ана, киоскада ҳамма газета-журналнинг номлари ёзиб қўйилган, бироқ уларнинг орасида «Ўзбекистон овози» йўқ.

— Ҳа, буни айтаяпсизми, оғайни, реклама демайсизми? Ахир тақчил нарса реклама қилинмайди, пештахта остидан сотилади-ку. Пойтахт матбуот тарқатувчилари ҳам бундан мустасно эмас-га ўхшайди...

Газета дўкони олдидаги суҳбатни оққа кўчирувчи: Бобо САРОЙИ

Китоб — содиқ дўст

Юракда чўғинг бўлса

Муҳаббат шу қадар кенг тушунчаки, унга ўн саккиз минг оламни жо этса бўлади. Мана бир неча йилдирки, ўзининг публицистик мақолалари, адабий ўйлари, очерклари билан одамларнинг ўз касбига бўлган муҳаббатини, руҳий оламини маҳорат билан қоғозга тушираётганлардан бири Жовли ака бўлади.

Ҳамкасбимизнинг «Ширидир азоби севгининг» номли янги китоби «Шарқ» нашриёт-матбаа концернни Бош таҳририяти томонидан чоп этилганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Аммо китоб ўз мухлисларини топиб улгурди. Ижодга муҳаббат қўйган Жовли Хушбоқов мақолаларидаги ҳар бир жумлани дил меҳрини тўкиб тузади. Атоқли шоирлар Усмон Азим ва Саъдулла Ҳаким ижодига бағишланган «Юрагимни ёққан сўз» мақоласида шеърнинг яратилиши, тунлар азоби, уйғонган юрак ва асар моҳиятини етук адабиётшуносдек таҳлил қилишга киришади. Шоир шеърларидан келтирилган парчалар ва унга берилган изоҳ адабиётшуносликка оид мақолаларда учрамайди, десак хато бўлмас. Сўзлардан ташбеҳ, саж, бўрттириш ясайди Жовли ака. Оддий сўзлар замирида ҳам оҳанг борлигини, дил тубидан оқиб чиқаётган вазмин ва шаддод куй борлигини сезиб қоласиз мақолани ўқигач.

Ҳеч бир мамлакат яшаш деб аталмиш ҳаётнинг барча сўқмоқларида бирдек юксак натижаларга эришмаган саккиз йил ичида. Заминимизнинг жаннатмакон эканлиги, давлатимизнинг энди-энди очилаётган имкониятлари нақадар чексиз эканлиги ўтган саккиз йил ичида билинди. Саноатда, меъморчиликда, қишлоқ хўжалигида эришган ютуқларимиз қатори ғуруримиз гултожи улуғ боболаримизнинг номларини тиклаш, абадийлаштириш йўлида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Шу тупроқда туғилган Темурлар, Бобурлар, Алпомишлар қайта туғилди юртимизда. Жовли ака ҳақида атоқли ёзувчи Одил Ёқубов фикр билдирар экан: «...қаламкаш укамизнинг балодай синчков, зеҳни баланд эканига яна бир карра гувоҳ бўлдим», деган эди. Ижодкорга хос синчковлик атрофда бўлаётган воқеалар, ўзгаришлардан бохабарлик муносабат билдириш журналистнинг ўз номига муносиб эканлигидир. Ж. Хушбоқов «Алпомиш соғинчи» эссесини ёзар экан шўролар давридаги ҳамда ҳозирги мустақиллик давридаги адабиётнинг Алпомишга муносабатини елкадош қилиб ёритишга ҳаракат қилади. Масалан:

Арпали чўлида Алпомиш
ухлар,
Уни уйғотмайман.
Уйғонса нима иш
буюрамиз унга,
Хуршид Даврон?

— деб ёзган эди бир пайтлари Усмон Азим.

Эссе ўқувчининг озодликни англаб етиши, унинг моҳиятига теран назар солишига имкон туғдиради. Қаламкаш Алпомишни таърифлар экан ўзига хос услуб қўллашга ҳаракат қилади. Алпомиш даври ва ҳозирги маънавий аҳволни, миллатнинг қадр-қимматини кенгроқ ифодалашга эришади.

Мақоланавис курашни, кўпкарини хуш кўради. Полвонлар, чавандозлар ҳақида ёзар экан, тўлиб, тўлқинланиб тизилади жумлалар, дарёдек тошиб, ҳайқириб тизилаверади сўзлар. «Омон полвон» ҳужжатли қиссасида ҳам полвонни соддагина қилиб таърифлашдан ташқари, унинг ички дунёсини, ҳаётга муносабатини чуқурроқ ифодалашга ҳаракат қилади. Шоберди бахши Болтаевнинг Бойчиборни таърифлаб достон айтишидан сел бўлиб ўтирган Омон полвон ҳолати жонли тасвирланади. От инсоннинг содиқ йўлдоши. Омон полвон кўпкари чопадиган отларига «Ракета», «УАЗ» деб ном қўйган. Отлари ҳам ўз номига муносиб. Қоларверса, полвоннинг қувончли ва маҳзун кунларида қир-адирлар оша отда кезиши руҳан тикланишига мадад бўлишини ижодкор ўз қиссасида ёритган.

Ижодкорнинг олий даражаси қайси мавзуга қўл урмасин ўша соҳанинг одамидек ёндаша билишида. Жовли ака хоҳ врачлар, хоҳ бахшилар, хоҳ полвонлар ҳақида ёзмасин соҳанинг нозик томонларини ҳам очиб бера олади. Унинг сурхондарёлик курашчилар ҳақидаги «Осиё йўлбарси ҳамласи», «Мени ўлдирманг, онажон!» фожиали кечинмалари, беморнинг тўшакдаги ҳолатини ифодаловчи «Ўлим билан олишув» мақолалари шулар жумласидандир.

Ж. Хушбоқов «Булбуллар сайраса кўнгиллар яйрар» мақоласида таниқли санъаткор Норали Алланазаров репертуарига тўхталар экан, унинг ашулалари ҳаётчанлигини алоҳида таъкидлайди. Норали ўзининг ***«Менинг она юртимни Ўзбекистон дейдилар. Уни бутун жаҳонда нурли бўстон дейдилар...»*** ашуласи билан танилган қўшиқчи. Бойсун оҳанглари майсалар тароватини, гуллар нозини, дов-дарахтлар виқорию булбуллар ғамзасини ўзида жам эта олган. Ижодкорнинг яна бир ютуғи таниқли ўзбек шоирларининг шеърларидан оқилона фойдаланганлигида. Мақолаларига сингдирилган Қўчқор Норқобил, Ғулом Мирзо, Рустам Мусурмон, Ислом Ҳамро ва Салим Ашур каби етук шоирларнинг ижодий намуналари ўз ўрнида, бадиий маҳоратни янада жонлантириш учун фойдаланилган.

«Ширидир азоби севгининг» китоби бир сўз билан айтганда ўқувчининг кўнглига ёруғлик солади. Маънавий озуқа беради. Кўнгил тўйинади. Руҳ қувват олади бу китобдан.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Раънолар бор бўлсин

Маҳалла — ахиллик қўрғони

Пахтачи туманидаги «Мисит» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Сотиболди» маҳалласида 570 оила истиқомат қилади.

Маҳалла кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасига эса эътибор катта. Қишлоқ врачлик пункти ҳамда дорихона мунтазам ишлаб турибди. Бундан ташқари, маҳалла қўмитаси қошида маънавият ва маърифат, хотин-қизлар хонаси ҳамда ҳаваскорлар тўгараги доим ёшлар билан гавжум. Маҳалла қўмитаси раисаси Раъно Ражабова тиниб-тинчимас аёл. Фуқароларга ғамхўр ва меҳрибонлиги туфайли уни барча ҳурмат қилади. Шу камтар инсон туфайли маҳалланинг маданий маркази қисқа вақтда ўзгариб, янги ишлаб чиқариш майдонлари қурилди, яъни ошхона, нонвойхона, иккита савдо дўкони ҳамда тикувчилик цехи, сартарошхона, пойабзал дўконлари шулар жумласидандир. Бу жойларда ёшлар меҳнат қилмоқда.

Маҳалла қўмитаси томонидан ўтказилаётган турли тадбирлар мазмунан бойлиги билан ажралиб туради. Масалан, маҳалла нуронийлари ва ёшлари ўртасида ҳар ойда бир марта «Қари билганни пари билмас», ота-оналар ва муҳандис-педагог ёшлар ўртасида «Ҳунар, ҳунардан ризқинг унар» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилиб турилибди. Яқинда «Аёллар йилига» бағишлаб ўтказилган «Мукаррама аёл» кўрик-танловида 75 ёшли Ўғилой она Эшқобиловнинг ғолиб чиққанлиги эса барчани ҳайратда қолдирди.

— 2000 йилда хотин-қизларимиз учун «Зардўзлик» цехи ва аҳоли учун бозор очиш кўзда тутилмоқда. Қисқаси, маҳалла ривожланишига туман ҳокимлиги, «Гранит» тош майдалаш корхонаси ва Қурбон Ражабов жамоа хўжалиги раҳбарияти ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келишмоқда, — дейди Раъно Ражабова.

Дарҳақиқат, буюк келажагимиз пойдевори — маҳаллалар ривожи шундай фидойи. Инсонлар меҳнати-ла юксалади.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Бильярдчилар мард бўлар

Инсон боласига бир карра яшамоқ имкони берилган, холос. Одам ҳаёти ана шу умрнинг мазмун-моҳияти билан ўлчанади. Дунёни эса ўткинчи, дейишади. Аслида ҳам шундай. Умрлар, одамлар, фурсатлару лаҳзалар, замонлару даврлар ўтаверади. Фақат башариятнинг ёруғ йўли — яхшиликкина одамзотнинг ибтидо тарихидан интиҳо фурсатига қадар абадийдир.

Инсон руҳиятининг чегараси йўқ. У шу руҳ билан дунёни яшартиради, ҳаёт бағишлайди. Қадимқадимдан бизга мерос қолган бу дунё нималарни кўрмади. Умр эса ўтаверди. Ожизланиб қолган дамларингда жасорат ва сабрли инсонлар ҳузурига талпинасан. Шу маънода айниқса, спортни санъатга айлантираётган инсонлар билан мулоқот ҳамиша қизиқарлидир. Шу туйғу бизни спортнинг бильярд турида ютуқларни қўлга киритаётганлар сардорларидан бири — Ўзбекистон чемпиони Султонхўжа Маъруфхўжаевнинг ҳузурига етаклади. Унинг чақнаб турган кўзларида ҳаёт, яшаш, умр йўлларидаги ғолиблик туйғусини туясан. У кишининг бильярд ўйини жараёнида учратдик. Вужуди билан машғул бу одамнинг санъатини кузатдим. Нафасни ростлаши чоғида суҳбатлашдик.



— Айнан бильярд ўйинига қизиқиб қолишингизни боиси нимада, деб ўйлайсиз?

— Биласизми, бильярд ўйини қадимий ўйинлардан бўлиб, ўзига хос завқ, жозибаси бор. Инсон қизиққан соҳасини бирон бир ҳою-ҳавасга, умуман ҳеч бир нарсага алмашмайди. Йигит кишига қирқ ҳунар оз деганларидек, ишқим тушган касб-ҳунарлардан анча-мунча. Масалан, темир йўл институтини тугатганман. Ҳозир «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясининг поезд бошлиғи бўлиб ишлайман. Боз устига ёшлигимдан Глиэр номли музика мактабини, кейин консерваториянинг «Ўзбек миллий чолғу» бўлимини тугатганман. Дутор чаламан. Бильярд ўйини қанчалик машаққатли, қанчалик қизиқарли бўлишига қарамай биласизми, инсон фикрини тиниқлаштиради. Дидли инсонларга хос маданиятни шакллантиради. Ўзбекистонда элга танилган бир қанча бильярд усталари ва шогирдларимиз бор. Жаҳон чемпионатларида фахрий ўринларни олган Баҳром Содиқов, Бахтиёр Мирсодиқов, Рустам Усмонов, Фарҳод Самадов, Михаил Ким, Василий Лазеров ва ҳоказолар шулар жумласидан. Бильярд аслида ҳалоллик ва покликка даъват этади. Ҳақиқий бильярдчи буғдойзордаги буғдойга ўхшаб кетади. Боиси, унинг муртаги нашъу наво билан ўсаркан. Ва юқорига мағрур бўй чўзади. Аммо у кўпчиб, дони тўлишиб, пишиб етишган сари бошини қуйи эгади. Иқтидорли спортчилар ҳам қанчалик «осмон» бўлмасин, халқи олдида ҳамиша бош эгиб яшаши керак. Зеро, иқтидор халқникидир. Ҳар қандай спорт тури каби бильярд ҳам шубҳасиз, аввало ҳалол инсонлар курашидир.

— Бильярд ўйини инсонга яна нималар беради?

— Бильярдчи давр руҳини аввало юракда ҳис этишни ўрганади. Ҳаётий зиддиятларни, инсоний қувончу ташвишларни енгиб, чиниқади. Моҳир спортчилар ҳам халқ, Ватан фидокорлари тимсоли. Чунки ҳамма нарса ўткинчи. Яшаш — ҳаёт учун курашдир. Бу кураш нафақат тириклик балки, ҳаётни яхшилаш, эзгулик учун спортни гўзал жавҳар билан бойитиш учун баҳсдир. Шунинг учун инсон курашаётган чоғида яшаётганини сезадиган, ҳар хил тўқнашувлардан қўрқмайдиган, ҳатто ана шу курашдан ҳузур топадиган бўлади. Яшаш билан кураш уйғунлиги ҳам шунда.

— Ҳар қандай спорт тури каби бильярд ҳам шубҳасиз, аввало ҳалол инсонлар курашидир. Шундай эмасми?

— Ҳаётда ҳам, спортда ҳам бирон нарсага эришиш учун ярим-ёрти хулосалардан, сохтагарчиликлардан қочиш керак. Бильярд ҳам қанчалик машаққатли бўлмасин, ҳаром аралашган куни у ўлади. Бильярд нопок ўйинларни ёқтирмайди. Бильярд ўйинини қимор, деб ўйлаганлар катта хато қилади. Бильярд қанчалик машаққатли бўлмасин, у софликни ёқтиради. Баҳром Содиқов, Нуриддин Саъдуллаев, Рустам Усмонов, Ҳамид Отамуродов, Бахтиёр Умаров ва бошқалар билан биз ўтган йили Банкокда мусобақада бўлдик.

— Шуҳратни қандай тушунасиз?

— Шуҳратпарастлик кучли хоҳишдир. Мени шу хоҳишдан халос этгил, қолганларидан эса ўзим қутуламан, деган экан донишмандлардан бири. Биласизми, шуҳратпараст кишилар донолар нафрати-ю тентаклар ҳайратини уйғотиб, текинхўрлар сиғинадиган кимсага, эҳтиросларнинг қулига айланадилар. Истардимки, бу иллатдан бильярдчиларни худонинг ўзи асрасин.

— Мақсадингиз? Орзу-ўйларингиз...

— Шу юртнинг оддий бир фуқароси сифатида халқимга, ватанимга хизмат қилсам. Яхши шогирдлар тарбиялаб, бильярднинг очилмаган сирларини элимга тақдим этсам.

Турсунтош ЖАББОРОВА

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг қарорига асосан «Джасискан и Ко» фирмаси банкрот деб эътироф этилганлиги ва бу корхона тугатилиши муносабати билан бурчак штампи ва думалоқ муҳри бекор қилинади.

Шунингдек, банкрот корхонани тугатиш ҳайъати қарздорлар ва манфаатдор ташкилотлар даъволарини «Савдогарбанк» биноси (Саид Барака кўчаси 78 уй, 1-хона)да 2 ой давомида қабул қилади.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг «Ўзнефтгазалоқа» ишлаб-чиқариш технологик алоқа бошқармаси жамоаси мазкур бошқарманинг бошлиқ муовини Акром Муллақандович Мирзаевга оталари

МУЛЛАҚАНД отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар «Бешёғоч» фирмаси маъмурияти фирма қошидаги III сонли дўкон мудири Абдуҳамид Муродхўжаевга отаси

Ринат Шодмонович МУРОДХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Фарруҳ ҲАМРОЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби 1600000. Газета офсет усулида А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босмага топшириш вакти 21.00. Топширилди 20.00
1 2 3 4 5 6.

Сотувда эркин нархда